*Амриддин БЕРДИМУРОДОВ*

# БИР УЙДИРМА ТАРИХИ

Халқимиз яқин-яқингача ўзининг бой ўтмишини, жумладан, ҳукмдорлик, жаҳонгирлик ва бунёдкорлик фаолияти ила дунёга донг таратган буюк бобомиз Амир Темур тарихини рус-совет тарихчилари яратган андозалар асосида ўрганар эди. Рус тарихчилари эса, табиийки, Амир Темур фаолиятини ўз ғоялари ва манфаатларидан келиб чиқиб баҳолардилар. Шу туфайли Амир Темур тарихини ўрганишда кўплаб бирёқламаликларга, чалкашликларга ва сохталикларга йўл қўйилди. Шундай нохолис ўрганилган қирралардан бири Амир Темурнинг Русга муносабати ва унинг Москвага борган-бормаганлиги ҳақидаги муаммолардир.

Рус-совет тарихчилари бу муаммоларни улуғ давлатчилик, улуғ миллатчилик кайфиятларидан келиб чиқиб ҳал қилмоқчи бўлганликлари боис ҳақиқатнинг тагига ета олмадилар. Уларнинг аксарияти Амир Темур Русни истило қилмоқчи бўлгану, аммо рус аскарларидан қўрқиб бу ниятидан қайтган, деган фикрларни ёзганлар. Жумладан, 70-йилларда Амир Темурга бўҳтон ёғдиришда энг кўп жонбозлик кўрсатган А. П. Новоселсев: «Темур XIV асрнинг 70-йилларидаМовароуннаҳрда давлат яратди, сўнгра бу давлатнинг чегаралари ғарбда Эгей денгизи ва Фаластинга қадар чўзилди. У Дашти Қипчоқ орқали эндигина Олтин Ўрда билан бўлган жангдан қутулган Рус томон босқинчилик қўлларини чўзди», деб ёзган эди. Бу гап билан у катта хатога йўл қўйган. Негаки, соҳибқирон Амир Темур фаолият кўрсатган XIV асрда ҳали дунё харитасида Рус ёки Россия деган давлат йўқ эди. Фақаттина Олтин Ўрдага қарам «рус улуси» мавжуд бўлиб, у бир-бири билан ҳамиша душманчилик кайфиятида бўлган катта-кичик князликлардан иборат эди. Князларни эса Олтин Ўрда хонлари тайинлардилар.

Темурийлар даврининг энг моҳир тарихчилари Низомиддин Шомий ва Шарфиддин Али Яздийлардан тортиб француз ва рус тарихчилари ҳам шу хусусда тўхталиб ўтганлар. Бу тарихий асарларнинг бирортасида ҳам соҳибқирон рус князликлари устига атай қўшин тортиб боргани айтилмаган. Амир Темурнинг Москва ва Елец шаҳарларига бориб қолишига эса аслида унинг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан бўлган жанги сабабчи эди. Чунки соҳибқирон кўмаги билан Олтин Ўрда тахтини эгаллаган Тўхтамиш тез орада унинг ёрдамларини унутди ва хоинлик йўлига ўтди. 1391 йили Амир Темур лашкарларидан енгилганда ҳам унинг ақли кирмади, аксинча, соҳибқирон душманлари билан тил бириктириб, янги хоинликларга тайёргарлик кўра бошлади. Табиийки, жаҳонгир ҳам қўл қовуштириб ўтирмади, хиёнаткорни батамом мағлуб этишга жазм қилди. Ўз даврининг энг йирик жангларидан бири бўлган 1395 йилги бу урушда Тўхтамишхон енгилиб шимол томонга қочди. Тўхтамишнинг тирик қолиши бир куни янги ташвиш туғдирмасин, деган маънода соҳибқирон уни қувишга қарор қилди. Бироқ мағлубиятдан юраги ёрилган қочқинни қидириб топишнинг иложи бўлмади. Шундан сўнг соҳибқирон Елец шаҳрида қўшинлари ва отларига дам берди. Шу ерда турган чоғида бир неча рус князлари унинг олдига итоат билан келиб, хизмат қилишга тайёр эканликларини ҳам изҳор қилдилар.

Шу ўринда бир нарсани айтишимиз жоиз: Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийлар соҳибқирон Елецдан ўтиб, Москвани ҳам ишғол қилгани ҳақида ёзиб қолдирганлар. Мажор тарихчиси Ҳерман Вамбери бу далилларга қўшилган ҳолда шундай деб ёзган: «Темур ўқ тезлигида Тўхтамишни Русия ерлари томон суриб ташлади ва Москвага бориб етди. Агарда Мовароуннаҳр қаҳрамони эҳтимол билан ўрта йўлни тутмаганида Москва аҳолиси, Гиббоннинг таъбирича, Биби Марямнинг мўъжизанамо сура тидан бошқа ҳеч бир ҳомий тополмас эди». Ҳ. Вамбери ўз фикрини давом эттириб яна қуйидагиларни қўшимча қилади: «Тўхтамиш енгилиб, Сибириянинг жанубий даштларига қочди. Ғолиб уни таъқиб этиб, Русиянинг ичкарисига кирди, Москва шаҳрини истило қилди».

Афсуски, рус тарихчилари юқорида келтирган маълумотларни ҳеч бир далил-исботсиз, мантиқсиз рад этадилар. Улар Шомий ва Яздийлар Шарқ дунёси кишилари бўлганликлари боис Русия географиясини яхши билмаганлар, шу туфайли Елец билан Москвани чалкаштириб юборганлар ёки бўлмаса ўз орзуларини ҳақиқат даражасига кўтариб баён қилганлар, дея даъво қиладилар. Ваҳоланки, биз шу вақтгача Шомий ва Яздийдек мўътабар тарихчилар бирор-бир ишғол қилинмаган шаҳарни ишғол қилинди, дея нотўғри ёзганларини учратганимиз йўқ. Уларни географияни яхши билмасликда ҳам айблаб бўлмайди. Негаки, аждодларимиз минг йиллар илгари дунё глобусини яратган. Бундан ташқари, Амир Темур Елецда турганида унинг хизматига кирган рус князлари ҳар бир шаҳарнинг номини аниқ айтиб турганлари эҳтимолдан холи эмас. Қолаверса, Москва Амир Темур даврида биров орзу қиладиган шаҳар эмас, бор-йўғи Олтин Ўрдага қарам Москва князлигининг маркази эди, холос.

Қизиғи шундаки, рус тарихчиларининг нохолис фикрларини профессор Гога Ҳидоятов ҳам қўллаб-қувватлайди, у бу тўғрида: «Темур Москвага етиб бормайди. Рус хроникаларининг тасдиқлашича, Москва князи Василий I катта ҳарбий куч тўплай олган ҳамда яхши уюшган ва қуролланган армия билан Ока дарёсига яқин борган. Темурнинг ажойиб разведкаси унга каттадан-кичик — бутун Москва халқи ўз шаҳрини ҳимоя қилишга тайёр турганлигини хабар қилади, албатта.

Владимирдан Муқаддас қиз мўъжизакор иконаси келтирилганлиги ва у Москвага киришда ғоят ҳашаматли маросим билан қуршаб олинганлиги хабар қилинган эдики, бу нарса Москва халқи ҳаёт-мамот жангига азму қарор қилганлигига шубҳа қолдирмасди. Соҳибқирон тақдир билан ўйнашмасликка қарор қилди», деб ёзганди.

Амир Темур Москвага бормаган деб ёзган тарихчилар — Б. Греков, А. Якубовский, Ю. Фёдоров, А. Новоселсев ва Г. Ҳидоятовлар ўз фикрларини қуйидаги сабаблар билан исботлашга интилдилар: биринчиси, Москва князи Василий I катта ҳарбий куч тўплаб Ока дарёсига яқин келганлигидан москваликлар ўз шаҳарларини ҳимоя қилишга қаттиқ киришганликларидан соҳибқирон чўчиган эмиш. Иккинчиси — Куликово майдонида Мамай билан жанг қилган Москва қўшинларининг қудрати Амир Темурнинг юрагига ғулғула солганмиш. Учинчиси — Биби Марям иконаси Владимир шаҳридан Москвага келтирилгач, Амир Темур туш кўрибди. Тушида гўёки баланд қир устидан бир неча авлиё ва сон-саноқсиз қўшин тушиб келаётган, уларнинг бошида малика турган, қўшинлар ҳар қандай жангга шай эмишлар. Амир Темур бу тушдан қўрқиб, ўз юртига қайтишга фармон берганмиш.

Тўғри, айрим манбаларда Амир Темур Елецда бўлган пайт княз Василий I қўшинлари билан Ока дарёсининг яқинига келиб турган, деб айтишган. Аммо бошқа манбаларда соҳибқирон Москвага келганида бундан қаттиқ қўрққан Василий I шаҳарни ўз ҳолига ташлаб қўйгани, аёллар монастирга кўчиб жон сақлаганлиги ҳам қайд этилган. Бунга шубҳа қилмаса бўлади. Машҳур рус тарихчиси С. Соловевнинг ёзишича, Амир Темурдан бир неча марта заифроқ Эдигей 1409 йили Москва устига қўшин тортиб келганида ҳам княз Василий Дмитриевич хотини ва болаларини олиб Костромага қочиб кетганди. Шунингдек, у Темурдан енгилган Тўхтамишхоннинг ўғли Жалолиддин Султон 1412 йили Олтин Ўрдага хон бўлганида, жуда катта бойлик билан таъзимга борган ва Жалолиддиндан марҳамат сўраганди. Демак, Амир Темурни Москва князи Василий I дан чўчиган деган даъво мутлақо асоссиздир.

Тарихчиларнинг иккинчи, москваликларнинг Куликово майдонидаги ғалабаси соҳибқиронни қўрқитган, деган даъвоси ҳақида сўз кетганда муҳим бир нарсани айтиб ўтишимиз лозим. Ҳозиргача рус-совет тарихшунослигида 1380 йили Куликово майдонида бўлган муғул-рус жанги борасида ҳам нохолис фикрлар айтиб келинди. Аниқроғи, бу жангнинг тафсилотлари руслар фойдасига сунъийлаштирилиб, аҳамияти бир неча баробар ошириб ёзилди. Аслида эса Куликово жанги русларга, рус-совет тарихчилари ёзганларичалик, катта фойда келтирмаган, Олтин Ўрданинг бўйни қайрилмаган эди. Ҳарқалай, ўша жангидан сўнг икки йил ўтгач, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон рус ерларига бемалол бостириб кириб, Москвага ўт қўйганди. Куликово жанги ҳақида ёзган кўпгина рус тарихчилари эса негадир бу ҳақда тўхталмаганлар. Назаримизда, бу уларга Куликово жанги аҳамиятини ошириб ёзишга халақит берган. Аслида Куликово майдонида рус князи Дмитрий Донской муғул қўшинларининг бир қисми билан, яъни Мамай бошчилигидаги лашкарлар билан жанг қилганди. Муғулларнинг Тўхтамиш бошлиқ иккинчи гуруҳи эса русларга эмас, балки Мамай қўшинларига қарши турган эдилар. Агар Мамай билан Тўхтамиш ўзаро низога чек қўйиб русларга қарши бирлашганларида эди, Куликово жанги ҳам бўлмасди. Бу воқеалардан Амир Темур жуда яхши хабардор эди. Бинобарин, унинг Куликово жанги оқибатларидан чўчишига асос ҳам йўқ эди. Қолаверса, Москва князи Василий Дмитриевич соҳибқиронни қўрқувга соладиган кучга эга бўлганида, Темурдан анча заиф Тўхтамишга бош эгиб, солиқ тўлаб ўтирмасди.

Ниҳоят, Биби Марям иконасининг, мўъжизакор кучи ҳақида. Рус йилномаларида ёзилишича, соҳибқирон Елецни истило қилиб, унинг князини қўлга туширганлигини эшитган Москва князи Василий Дмитриевич талвасага тушиб қолади ва қўлларини кўкка чўзиб Худога нола қила бошлайди. Бу билан ҳам кифояланмай, Киев ва Умумрус митрополити Киприанга одам юбориб, унга барча-барчани чин кўнгилдан, кўзларида ёш билан уввос солиб тоат-ибодат қилишга мажбурлашни ва Владимир шаҳридан Биби Марям иконасини олиб келтиришни буюради. Василий I нинг фикрича, Москвани фақат шу мўъжизавор иконагина қутқариши мумкин эди. Икона Москва яқинига келтирилгач, шаҳар халқи уни кутиб олишга сафарбар қилинади. Йилноманинг ёзишича, барча-барчани зўрлаб шаҳар чеккасига ҳайдаб келадилар. Улар орасида бою камбағал, кексаю ёш, саёқлару тиланчилар, ҳатто чақалоқлар ҳам бор эди. Москваликлар уч кун давомида икона қаршисида тиз чўкишиб нолаю афғон қиладилар. Шундан сўнг Амир Темурни Елецдан қайтиб кетганлиги ҳақидаги хабарни эшитган эмишлар. Тарихчи Ю. Фёдоровнинг ёзишича, Биби Марям иконасининг мўъжизакор кучига ишонган москваликлар яна икки марта ундан нажот тилаганлар. Бир сафар Наполеон Москвага бостириб келганида, сўнгги марта 1941 йили немис қўшинлари Москва остоналарида турганларида. Аммо негадир Амир Темурга ўз мўъжизасини «кўрсатган» бу икона Наполеонга таъсир қилолмади. Француз императори Москвани осонгина ишғол қилди. 1941 йилда эса немис-фашистларни икона эмас, совет қўшинлари Москва остонасидан улоқтириб ташлаган эди. Бинобарин, учинчи даъво ҳам ҳеч қандай асосга эга эмас.

Рус-совет тарихчилари Амир Темур Москвага бормаган деб ёзиб, асоссиз далилларни келтирган бўлсалар, рус йилномаларида бошқача аҳволни кўрамиз. Уларда соҳибқироннинг бировдан қўрққани, рус қўшинларининг «баҳодирлиги» ҳақида ҳам маълумотлар йўқ. Рус йилномачиси: «Темурни бизнинг воеводаларимиз қувмадилар, бизнинг қўшинларимиз чўчитмадилар, у Худонинг қаҳри билан Рус ерларидан ўлжасиз кетди», деб ёзган бўлса, тарихчи Н. Карамзин янада аниқроқ қилиб: «... ҳеч ким томонидан таъқиб қилинмаган, асосли бир сабабсиз Осиёнинг бепоён кенгликларига қайтиб кетди», деб хулоса чиқарган.

Кўриниб турибдики, рус йилномачилари ва қадимги тарихчилар нима учун Амир Темур Руснинг ичига чуқур кириб бормай орқасига қайтгани сабабларини билмайдилар. Боиси — улар соҳибқироннинг эътиқодидан бутунлай бехабар эдилар. Бу саволга тўғри жавоб берилиши соҳибқиронга туҳмат қилган туҳматчиларга қаттиқ зарба бўлади. Шу сабабли Амир Темурнинг хаёлида умуман ночор, қашшоқ, таланган Рус устига юриш қилиш нияти бўлмаган. У Елецда бор-йўғи Тўхтамишни қувишдан чарчаган қўшинларига ва отларига дам бериш учун икки ҳафтага тўхтаган. Шу сабабли барча жанглардан олдин қон тўкилишига барҳам бериш ниятида рақибларига ўз элчиларини жўнатадиган соҳибқирон бу сафар Москва ёки бошқа рус князлари олдиларига бирор элчисини юборишни ҳам эп кўрмаган. Унинг ночор халқларга қарши уруш қилмаганлигини исботловчи бу сингари мисоллар жуда кўпдир. Масалан, озарбойжон тарихчиси Аббос Қули Оға Боқихонов ўзининг «Гулистони Эрам» номли тарихий асарида ёзишича, соҳибқирон Кавказда жанг қилаётган вақтда унинг олдига қўмиқ амирларидан Ғубдин деган бир кўзли киши келади ва «Сиздек қудратли ҳукмдор биздек ночорлар билан тенглашиб нима ҳам олардингиз?», деган маънода сўз қотади. Бу гап соҳибқиронга ёқиб қолиб, Ғубдин ва унинг қабиласига ўша ерларни бир умрга хатлаб беради.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар баҳонасида яна бир гапни айтмоқ ўринлидир. Ўтган йил сентябрида Россия Федерациясининг Елец шаҳрида «Руснинг Темурдан қутқарилишининг 600 йиллиги», деб аталган ғалати халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Аввало, бу конференциянинг номланиши тарихий ҳақиқатга мутлақо зиддир. Аслида, мантиқан олганда, бу анжуман «Руснинг Амир Темур томонидан қутқарилишининг 600 йиллиги» деб номланса, тўғрироқ бўларди. Зеро, соҳибқирон томонидан Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг тор-мор этилиши Руснинг муғулларнинг бир неча асрлик истибдодидан халос бўлишига олиб келган. Буни кўпгина рус ва жаҳон тарихчилари аллақачонлар тан олганлар.

Шуниси қизиқки, халқаро конференцияда бирорта ҳам рус тарихчиси қандай қилиб рус соҳибқирондан қутқарилганлиги ҳақида маъруза қилмади. Тантана маросимлари ҳам, худди 600 йил илгари бўлганидек, ибодатхоналарга бориб тоат-ибодат қилиш билан бошланди ва шу йўсинда якунланди. Мақтанишга йўймангу, фақаттина Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг директори, тарих фанлари доктори, профессор Темур Шириновнинг «Амир Темур ва Европа» ҳамда каминанинг «Европа тақдирида Амир Темурнинг фаолияти» мавзуларидаги маърузаларидагина соҳибқирон ва рус муносабатлари ҳаққоний очиб берилган эди. Хайриятки, конференция ташкилотчилари ушбу маърузалар матнини тўпламга киритиб чоп этдилар.

Хуллас рус халқи Амир Темурдан ҳеч қандай жабр-ситам кўргани йўқ, аксинча, у олий зотнинг Олтин Ўрдани тор-мор қилиши рус халқининг муғулларнинг бир неча асрлик истибдодидан қутилишига ёрдам берган. Бинобарин, Тўхтамишнинг ортидан қувиб рус ерларига кириб борган соҳибқирон ўз имон-эътиқодига, саркардалик виждонига тўғри келмайдиган ишни қилмаган, яъни икки ҳафта мобайнида кечаю кундуз кўчаларда ва ибодатхоналарда қўлларини кўкка чўзиб, уввос тортиб йиғлаб ётган тинч аҳоли устига от солмай бепоён Турон юртига қайтган экан, ул буюк зотни қўрқоқликда айблаш, рус аскарларини эса қаҳрамонга чиқариш учун ҳеч қандай асос йўқ.

# МАҚСАДИМИЗ ЮРТИНГИЗНИ ЕВРОПАГА ТАНИТИШ

**Боши биринчи бетда**

кунини, одамларини уларнинг ўтмиши билан қиёслаб ўрганмоқчимиз. Институт, биринчидан, мазкур соҳаларга муайян даражада алоқадор бўлган олимлар ўртасида алоқа боғлашни уюштиришга хизмат қилади. Ана шундай учрашувларнинг баъзиларига ўзингиз ҳам гувоҳ бўлдингиз. Бундай учрашувлар орқали биз институтни собиқ Иттифоқ республикалари олимлари билан ғарб олимларининг ўзаро ихтиёрий фикр алмашувлари масканига айлантирмоқчимиз. Бу соҳада дастлаб уларнинг иштирокида «XIX аср охири ва XX аср бошларида Мовароуннаҳрда мусулмон реформизми (ислоҳотчилиги) ҳаракатлари», «Ҳиндистон ва Марказий Осиё муносабатлари», «Ислом ва ҳозирги замон» масалаларига доир халқаро давра суҳбати, илмий анжуман ва конференциялар ўтказдик. Яқинда бутун дунёда кенг нишонланадиган буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги юбилейи муносабати билан темурийларнинг меросини, уларнинг ўзидан кейинги шайбонийлар, жонийлар, сафавийлар, бобурийлар, усмонийларга таъсирини ўрганиш бўйича илмий анжуман ўтказмоқчимиз.

Ҳозирча марказимиз ўтказган илмий анжуманлар материалларидан баъзи бирлари, масалан, «Марказий Осиё мусулмон реформизми» (1788-1937), «Ҳиндистон ва Марказий Осиё» («Тижорат ва фикр йўллари») Францияда француз тилида алоҳида тўплам ҳолида нашр этилди, уларда француз олимлари билан бирга Ўзбекистон олимларининг ҳам баъзи бир мақолалари жой олган. Кейинги китобимиз Бухорога бағишланиб, унда Бухоронинг энг қадимги (илк) davридан бошлаб, бугунги кунигача бўлган тарихини акс эттиради.

**Мухбир:** — Марказнинг келгуси режалари қандай? Бундай институт бошқа мамлакатларда ҳам мавжудми? Марказнинг ички тизими ҳақида нима дейсиз?

П. Шувен: — Келгуси режалари, ниятларига келганда, бундан кейинги асосий вазифамиз ҳам биринчи навбатда Марказий Осиёни Европага таништириб боришдир. Институтимизнинг ички тизими (структураси) қуйидагича: унда олтитадан йигирматагача француз ва ўзбек олимлари ҳамкорликда ишлашади. Марказнинг вазифаси олимларга мавжуд вазифаларни тўғри тушунтира билиш ва ўргатишдир. Чунки Марказий Осиёнинг ўтмиши ва бугунги тарихига чуқур ҳурмат-эҳтиром билан ёндошгандагина уни холис ўрганиш ва тўғри хулосалар чиқариш мумкин.

Франциянинг Тошкентдаги Марказий Осиёни тадқиқ қилиш институтига ўхшаш институтлари бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд. Масалан, Анадўлидаги француз тадқиқот институти, Теҳрондаги тадқиқот институтлари, Деҳлидаги Ижтимоий фанлар маркази ва бошқалар шундай масканлардандир.

**Мухбир: — Ўзингиз Марказ амалга ошираётган мазкур илмий ишларнинг қайси соҳалари билан шуғилланасиз?**

**П. Шувен:** — Ҳозир темурийлар даври давлатчилиги тарихи билан шуғулланаётирман. Мазкур мавзу юзасидан шу йил баҳорда Парижда ЮНЕСКО қарори билан ўтказилган темурийлар даври тарихига оид халқаро илмий анжуманда маъруза қилдим. Маърузам француз матбуотида чоп этилди.

Узим 1993 йил 15 октябрдан буён Франциянинг Тошкентдаги Марказий Осиёни тадқиқ қилиш институти директори — Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида маданий масалалар бўйича маслаҳатчи бўлиб хизмат қилаяпман.

**Мухбир:** — Муҳтарам Пер Шувен жаноблари, самимий суҳбатингиз учун ташаккур.



Юрт неъмати

АМИР ТЕМУР 660

# ТУРОННИНГ ДОНИШМАНД АЁЛЛАРИ

***Қашқадарёда ибратли бир ишга қўл урилди. Вилоят ҳокимининг қарори билан шаҳар ва туманларда «Темурий маликалар тимсоли» кўрик-танлови ва Чавгон миллий спорт мусобақалари ўтказиладиган бўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз вилоят ҳокимлигининг гуруҳ бошлиғи, Амир Темур халқаро жамғармаси вилоят бўлимининг раиси, шоир Исмоил Тўхтамишевдан бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб беришни сўради.***

**МУХБИР:** — Аввало, мазкур кўрик-танлов ва Чавгон ўйинларининг ўтказилиши хотин-қизларимизни улуғлаш, уларнинг жамиятимиздаги ўрнини белгилашда катта аҳамиятга эга. Қолаверса, чавгондек қалимий ўйиннинг тикланиши ҳам халқимиз ҳаётида янгилик. Бу фикрлар қандай пайдо бўлди?

**И. ТЎХТАМИШЕВ:** — Улуғ бобомизнинг тўйи муносабати билан шу йилнинг ўтган ойларида вилоятимизда кўп тадбирлар ўтказилди.

Тарих саҳифаларини варақласак, бепоён Туронзаминнинг маданий, сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг муҳим ўрни борлигига гувоҳ бўламиз. Тўмарис, Барчин, Зарина, Ойсулув, Орзигул, жасурлик тимсоли бўлиб қолган Қирқ қиз каби эпик қаҳрамон аёлларимиз образлари ҳаётимизнинг бир қисмига айланган.

Турк олимаси Баҳрия Учоқ ўзининг «Мусулмон мамлакатларида ҳукмдор аёллар» асарида Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаган ўттиздан ортиқ ҳокима аёлларни мисол тариқасида келтиради. Хуллас, ўзларидан ўчмас из қолдирган, эл-юртини машҳури жаҳон қилган аёллар тарихда кўп ўтган.

Буюк бобомиз ўз саройидаги аёлларга катта ҳурмат ва эҳтиром билан қараган. «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим», дейди соҳибқирон бизга қолдирган ўгитларида.

Тарихнавис Владимир Черевански эса «Амир Темур» тарихий романида соҳибқироннинг хорижий элчиларни қабул қилиш маросимини тасвирлаб, шундай ёзади: «Байрамларнинг бекаси Бибихоним буларди... Бироз ўтинқираган ёши унга дунёдаги ягона одамнинг биринчи хотини мавқеини муносиб сақлашга монеълик қилолмасди. Элчилар шарафига уюштирилган байрамларда у энг гўзал либослару кўзни қамаштирувчи тақинчоқларни тақиб чиқар эди. Унинг қизил шойидан тикилган либосининг орқа этаги ўн беш канизак кўтариб юришга мўлжалланганди. Бошидаги қалпоғида эса марварид ва ферузалар қадалган, олд қисмида эса қимматбаҳо ёқутлар ярқирарди. Уч сарой канизаги тутиб турган бу қалпоққа олтин иплар қўшиб ўрилган пар зеб берарди. Маликанинг боши узра оқ шойи матодан тикилган чойшабни тутиб боришар, олдинда эса канизаклар гуруҳи йўл очарди...».

Минг афсуски, биз яқинёқингача анъаналаримизга, урф-одатларимизга риоя қилолмай яшаб келдик. Барча қадриятларимиз қатори хотин-қизларимизнинг қадр-қимматига, яхши фазилатларига ҳам путур етди. Улардан сохта қаҳрамонлар ясалди. Бугун, мустақилликка эришган Узбекистонимизда мустабид тузумнинг бемаънигарчиликларига мутлоқ чек қўйилиб, ўтиш даврининг бугунги қийинчиликлари барҳам топиб, бобомерос қадриятларимизнинг тикланишига шубҳа йўқ.

**МУХБИР:** — Кўрик-танлов қандай тартибда ўтказилмоқда?

**И. ТЎХТАМИШЕВ:** — Бу мусобақани уч босқичда ўтказиш кўзда тутилмоқда. Кўрик дастлаб ишлаб чиқариш корхоналарида, мактабларда, олий ва махсус ўқув юртларида, маданият муассасаларида, маҳаллаларда бўлиб ўтади. Ғолиблар шаҳар, туман миқёсида мусобақани давом эттирадилар. Шаҳар, туман кўриги ғолиблари Мустақиллик байрами кунларида вилоят кўригида қатнашадилар.

**МУХБИР:** — Вилоятда чавгон ўйинлари қандай ташкил этилишини айтсангиз?

**И. ТЎХТАМИШЕВ:** — Чавгон ҳақида тарихий манбаларда, бадиий асарларда маълумотлар кўп учрайди. Рудакий, Фирдавсий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа шоирларнинг асарларида бу ўйин нафис тасвир этилган.

Қадимда чавгонни чиниққан паҳлавонлар, от устида юриш ҳадисини олган жанговар ўктам қизлар ўйнаганлар. Бу ўйиннинг тикланиши авлодларимизнинг жисмоний ва маънавий баркамол бўлиб вояга етишиши учун қўйилган яна бир қадамдир.

**МУХБИР:** — Кўрик-танловда қатнашаётганларга қўйилган «маликалик» шартлари билан танишдим. Жумладан, «малика» хушбичим, самимий, оқила, жасур, отда юра оладиган эпчил, ўктам, мусиқа ва шеъриятни нафис тушунадиган нозик дидга эга бўлиши лозимлиги айтилибди...

**И. ТЎХТАМИШЕВ:** — Мақсад шуки, қадим Туронда аёллар азал-азалдан алоҳида эъзозда бўлганлигини кўрсатиб беришдир. Минг эшитгандан, бир кўрган афзал, дейди халқимиз. Қизиққанларни вилоятимиз шаҳар ва туманларида ўтказилаётган кўрик-танловларни томоша қилишга, ҳадемай бошлаб юбориладиган чавгон ўйинларига таклиф этамиз. Кетган вақтингизга ачинмайсиз.

**МУХБИР:** — «Темурий маликалар тимсоли» кўрик-танлови ва чавгон миллий спорт мусобақаларини бутун республикамизнинг шаҳар ва туманларида ўтказиш, оммалаштириш жуда муҳим, деб ўйлайман.

**И. ТЎХТАМИШЕВ:** — Халқимизнинг маданиятини юксалтириш, спортга қизиқишини орттиришга фойдаси тегадиган нимаики иш бўлса, ҳаммасини қилишимиз лозим. Унинг қаерда, кимлар томонидан амалга оширилганлиги, менингча, муҳим эмас. Ажаб эмас, бундай кўрик-танловлар, қадим ўйинларнинг тикланиши фақат савоб ишларга хизмат қилса, улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этса.

**Суҳбатдош**
**Норқул ТИЛОВ**

# МУМТОЗ АДАБИЙ ТИЛИМИЗНИ ЎРГАНАЙЛИК

Истиқлол шарофати билан мумтоз адабиётимизни тўла-тўкис ўрганиш имкониятлари пайдо бўлди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, собиқ совет империяси даврида ҳам бу соҳа ўрганилган эди, аммо тилимизнинг ўзига хос хусусиятлари инкор этилган ҳолда ўрганилди. Мумтоз адабий тилимизнинг хусусиятлари тадқиқи академик Н. Я. Марр назариясига ниқобланган ҳолда, ўзбек тили шеваларидан ажратилган тарзда, қардош туркий халқлар тилидан узоқлаштирилган ҳолда олиб борилди. Натижада ҳозирги ўзбек адабий тилида мумтоз адабий тилимизга хос талаффуз бузилди. Классик адабий тилимизнинг фонетик системаси сунъий равишда ўзгартирилди, фонемалар сони камайтирилди, тилимиз жозибаси ўз хусусиятларидан маълум даражада ажралди. Тилимиздаги грамматик шакл муқобиллари қисқартирилди, фонетик жиҳатдан бир формага келтирилди.

Бундан ташқари, эллик, олтмиш йил давомида етишиб чиққан зиёлиларимиз мумтоз адабий тилимизнинг талаффуз меъёридан узоқлашди, радио, телевидение соҳасида эса классик тилимиз асосида эшиттиришлар олиб боришга интилишлар учрасада, аксар ҳолларда бу ҳаракатлар мумтоз тилимизни бузган ҳолда амалга оширилмоқда. Жумладан, Миср Араб республикасида ишланган «Муҳаммадур расулуллоҳ» фильмини мумтоз тилимизга таржима қилиб беришга уринганларнинг хизматини, асарнинг тарбиявий аҳамиятини табриклаш лозим. Шу билан бирга, таржима жараёнида сингармонизм қонунига мувофиқ келувчи грамматик кўрсаткичлар бири-бирига алмашиб қўлланганi, масалан, **борғум** формаси ўрнида **боргум, қилғай** сўзи ўрнида **қилгай** шакллари ишлатиб юборилганини таъкидлаш жоиз.

Эндиликда мустақиллигимиз берган имкониятдан фойдаланиб, дунёдаги маданий халқлар каби мумтоз адабий тилимизнинг талаффуз меъёрини, грамматик формаларини, имло хусусиятларини ёшларга, зиёлиларга — бутун халқимизга ўргатайлик, эъзозлайлик, шунингдек, мумтоз адабий тилимиз ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, қорақалпоқ халқлари учун асрлар оша хизмат қилганлигини унутмайлик. Классик тилимиз қардош туркий халқларни яқинлаштирувчи дастлабки қадам эканлигини ҳам инобатта олишимиз зарур. Биз мумтоз адабий тилимизнинг жозиб хусусиятларини ўзлаштирсак, қардош туркий халқлар билан яқинлашишимиз янада кучаяди.

Мумтоз адабиётимиз тилини ўрганишимиз фақат тилшунослар ҳамда адабиётшунослар вазифаси эмас, балки ўз халқининг мумтоз адабий тили меъёрини билиш барчамизнинг бурчимиз, деб қараш лозим. Шундан келиб чиқиб, айрим таклифларимиз билан ўртоқлашишни лозим кўрдик.

Аввало, республикамиздаги мавжуд ўзбек тили ва адабиёти билан шуғулланувчи илмий масканларда ҳамда факультетларда махсус курслар ташкил қилиш лозим. Шунингдек, телевидение, матбуот, нашр ишлари билан шуғулланувчи ташкилотларда ҳам махсус тўгараклар очиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Айниқса, республика Ёзувчилар уюшмаси қошида бу борада махсус семинар-машғулотлар ўтказиб туриш йўлга қўйилса нур устига нур буларди.

Мумтоз адабиётимиз намуналарини нашрга тайёрловчи ташкилотлар қошида ҳам ана шундай ишларни йўлга қўйиш зарур. Бу нашрлар савиясининг ошишига хизмат қилади. Масаланинг энг муҳим томони шундаки, мумтоз адабий тилимизни билувчи кадрлар тобора камайиб бормоқда. Мутахассисларни пухта тайёрлаб боришни ўз вақтида йўлга қўймасак, юқоридаги вазифаларни амалга ошириб бўлмайди.

Мумтоз адабий тилимиз меъёрини ўргатувчи махсус қўлланмалар тузиш зарուратини инобатга олиш керак. Ўзбекистондаги олий таълим, ўрта таълим муассасалари қошида мумтоз адабий тилимиз билан шуғилланувчи кафедралар очиш бу соҳага доир муаммоларни теран илмий изланишлар асосида ҳал этишда асосий таянч булади.

**Қозоқбой МАҲМУДОВ,**
**филология фанлари доктори**

*Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ, филология фанлари доктори, профессор*

# ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ МЕВАЛАРИ

Бугунги кунда диққат-эътиборни фақат моддий неъматларни ишлаб чиқаришга қаратиб, руҳий-маънавий эҳтиёжларни қондириш масаласини кун тартибидан вақтинча бўлса-да, олиб ташлаш мадаий инқирозга олиб келиши барчага аён. Хайриятки, жамиятимизда бундай кайфиятнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қиладиган ибратли ижобий кучлар мавжуд ва улар маданий ҳамда илм-фан бойликларини яратиш жабҳаларининг деярли барчасида, хусусан, ҳикоячилик, қиссачиликда намоён бўлмоқда. Романчилик ё шеърият, достончилик ёки драматургия ёхуд адабий танқид, адабиётшуносликда ҳам муайян ўзгаришлар рўй бераяпти, бироқ мен биринчи галда насрнинг энг кичик ҳамда ўртача турларидаги айрим янгиликларга урғу беришни жуда-жуда истардим. Хўш, бу ўринда нимани кўзда тутаяпман?

Бунга ойдинлик киритиш учун «Муҳаббатни соғинаман мен тунда» («ЎзАС», 1995 йил, 10 ноябрь сони) сарлавҳали ёш ёзувчи Урол Содиқнинг эссесига А. Отабойнинг ёзган қуйидаги изоҳни кузатайлик: «Фикрни, образни, борлиқни тафаккур тарозисига солиб кўриш, улар ўртасида уйғунлик топиш, уларни боғлашга уриниш эссе жанрининг асосий талаби. Урол Содиқ машқида мана шу талабга жавоб бериш ҳаракати бор: у реал фактларни муайян ғоя билан «тортиб» кўради, гумон, иккиланишлардан холи бўлмаган мулоҳазалари «Хўш, мен дунёни қандай тушунаман?», «ўзи, мен нимани биламан?», деган жуда оддий ва холис жавоб топиш ниҳоятда қийин муаммо атрофида айланади. «Буюклик яратилмайди, у Аллоҳнинг неъматидир. Дунёдаги энг буюк ишонч — Яратганнинг ягоналиги ва қудратининг бемисллигига бўлган ишончдир», деб ёзади у. Бу унинг ўзининг азоб ва қаноат билан топган гапи эмас. Ҳозир у бундай гапларни «қарзга олиб» турибди. Бу айб эмас. Чунки, «тунда муҳаббатни соғинган йигит»нинг ҳали ўзи айтар сўзи бўлади ва уни Урол Содиқ айта билади, бунга мен ишонаман».

Шахсан мен А. Отабойнинг ишончига хайрихоҳман, Негаки, Урол Содиқ фикрловчи, фикрлатувчи асар яратишга уринаётганини сезаяпман. Тўғри, собиқ совет адабиёти ҳеч кимни ўйлатмади, деб бўлмайди. Аксинча, ўйлатиш, бош қотиришга асосий диққатни қаратди, бироқ сўзсиз бажариладиган бир шарт билан: ёзувчи ҳам, унинг қаҳрамонлари ҳам фикрласин, фикрлари, ўйлар эса фақат коммунистик мафкура доирасида бўлсин! Бундай чеклаш, чегаралаш ҳаётнинг барча жабҳаларини, шу жумладан, бадиий адабиёт ҳамда унинг хилма-хил турларини равнақ топтиришга тўсқинлик қилгани мустақилликка эришганимиздан кейин яққол кўриниб қолаяпти.

Истиқлолимиз ижодий эркинликнинг тобора чуқур илдиз отиб, мустақил фикрлаш завқини орттириш билан бу борадаги қийинчиликни бартараф этишга даъват этмоқда. Урол Содиқ эса ана шу даъватга лаббай деб жавоб қайтаришга интилаётганини кузатиш мумкин: «Қисман қийин ҳолатлар кечади ҳаётда, ҳатто кулгили туюлади баъзан. Лекин кулмайсан, ёлғиз ўтириб кулиш, яна ўз туйғуларингдан, ғалати... қўрқасан. Кулиб юборсанг, қаҳ-қаҳанг бетон деворларга урилиб, устингга ёпирилади. Шуларни ўйлаб суякларинг қисирлаб кетади... Ўзингни тиясан. Лаб-лунжингни йиғиштириб, хомуш, китобга термуласан. Кўққисдан «Муҳаббат майда нарса» деган ўй хаёлингга келади. Яхшиси унга яқинлашмаганим маъқул, деб ўйлайсан ўзингча. Лекин юрагингда мунис бир соғинч пайдо бўлади. Сенга бўйсунмаган даҳрий бир соғинч. Унинг бошига урсанг, юқорига сапчийди. Сен эса уни истамайсан. Ҳатто хоҳламайсан. У бўлса душман айғоқчисига ўхшаб, писиб келаверади...»

Айни шу тобда «Бой ила хизматчи»даги Ғофиру Жамила, «Қутлуғ қон»даги Йўлчию Гулнор ёки «Пўлат қандай тобланди»даги Павел Корчагин билан унинг комсомол севгилиси сингари собиқ совет адабиётининг кўкларга кўтарилган қаҳрамонларини кўз олдингизга келтирсангиз, негадир улардан бирортаси беҳосдан қаҳ-қаҳ уриб, айни чоқда муҳаббат майда нарса экан, деб тўлғониш ва шундай ўйнинг одамга бўйсунмайдиган соғинчга айланиши, соғинчнинг эса соядай эргашиб юришига ўхшаш вазиятга тушмаганига амин бўласиз Бундай қаҳрамонлар айрим ҳоллардагина (асло ҳамма вақтмас!) Аллоҳ бандаларига ўхшаб ўй-хаёл сурса, кўпинча коммунистик мафкура доирасида фикрлашга маҳкум этилди...

Миллий истиқлолимиз мана шундай иллатни бартараф этиб, ижодий фикрлашдаги чинакам эркин ижодкорликни ҳар томонлама ривожлантириш гарови бўлиб қолаяпти ва шунинг учун уни мадҳ этиш кенг қулоч ёзаётгани табиийдир. Лекин мадҳия ҳақиқату адолатдан узилиб қолиб, мадҳиябозлик, офаринбозликка айланмаслиги даркор. Шу билан бирга ҳаётий, асосли мақтовлар қанчалик муҳим аҳамият касб этмасин, уларнинг ўзи билангина иш битмайди. Кенг миқёсда теран фикрлаш, ҳар томонлама мулоҳаза юритиш руҳи билан суғорилган асарлар сув билан ҳаводек зарурки, буни англаган ҳолда қалам тебратаётган ижодкорлар сафи тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бугун эрталаб» ҳикояси қандай бошланганига эътибор беринг: «Каллани ишлатиш керак! Айни саҳар уйқудан уйғониб, кўзимни очиб улгурмасимданоқ таъна, киноя, ҳақорат ва яна аллақандай ёвуз маънолар аралаш шу калима хаёлимга тирғалди-ю субҳий ҳаловатим тўзғиди... мен ҳайдадим — у келаверди: «Каллани ишлатиш керак! Каллани ишлатиш керак! Каллани...».

Хўш, ким нима учун каллани ишлатиши керак? Назаримда, бу саволга ҳикояда қуйидагича жавоб берилганга ўхшайди: «Шундай ўй сурсангки, қалбингнинг авра-астарини ағдар-тўнтар қилиб ташласанг, қандай одамсан, бу ёруғ дунёда нима қилиб юрибсан, бепоён заминнинг қаърида қай аҳволда яшаяпсан, яна қанча давру даврон сурасану қай фурсатда ра-во-на бўласан? Равона бўлгач, УЁҚдаги йўлинг сени қай манзилларга етаклайди, ёруғ оламга келишингдан бугунги аҳволга тушасанми ёинки бу дунёдаги аъмолларинг боис адашиб-улоқиб тентирайсанми? Ёхуд остидан дарёлар оқиб ётган,беҳишт мевалари туганмас боғу роғлардан ошиён топасанми?..»

Ҳа, бу жавобга ўхшайди-ю, бироқ ниҳоятда умумий, ҳар бир инсоннинг ўзи унга ўз фаолияти, ақлу идроки билан ойдинлик киритиши лозим. Шунга мувофиқ «Бугун эрталаб» ҳикоясидаги қаҳрамон «мен» тарзида гавдаланиб, кўпинча ёзувчининг эътиқоди, дунёқараши, кузатишлари, ҳукм-хулосаларини ўзида мужассамлаштириб, бамисоли умумлашган тимсол даражасига кўтарилади. Шундай тимсолки, у мустақил, ижодий, эркин фикрлашга даъват этади. Дарвоқе, «Бугун эрталаб» ҳикояси қаҳрамони тўлақонли ҳаёт кечириш биринчи галда фикрлаш, мушоҳада юритишнинг салмоғи, қудратига боғлиқ эканини такрор-такрор қайд этиши бежиз эмас. Тўғри, бундай қайдларнинг айримлари кимларгадир эришроқ, ҳатто сунъийроқ туюлиши мумкин, аммо уларнинг аксарияти бевосита юракдан отилиб чиққан кучли эҳтиросларга йўғрилгани яққол сезилиб туради. Энг муҳими, мазкур қалб соҳиби ўз фаолиятини ноёб туйғулар, уйғоқ ҳисларга қўшиб, бахту саодат, ҳалоллигу адолат ғалабасига қаратгани ҳикояда ўз аксини топган.

Айни шу жиҳатдан Назар Эшонқулнинг «Хаёл тузоғи» ҳикояси «Бугун эрталаб» ҳикояси негизида ётган мушоҳадаларини ойдинлаштириб, ҳаётийлигини тасдиқлашга қаратилгандай туюлади: «Фақат баъзи танишлар бедарак кетишидан олдин Воқифнинг қандайдир бино, қон, болта ҳақида гапириб юрганини ғира-шира эслашди ва у ўша пайтдаёқ ақлдан оза бошлаган эди, деган тахминини ҳам рўкач қилишди».

Ҳикояни синчиклаб ўқиганда Воқиф ҳақиқатпарвар, чўрткесар, бетгачопар қаламкаш бўлгани учун кўп жойларда қоқилиб-сурилиб, нуқул панд еб, юрагини, ниҳоят, қалбию руҳинингмас, балки фақат тан, қорин эҳтиёжини қондиришдан бошқа иложи қолмагани туфайли ўзинингмас, ўзгаларнинг ихтиёрига кўра амаллаб кун кечирганига алоҳида урғу берилганини сезасиз. Унинг хаёл тузоғига тушиб қолиб, бамисоли ақлдан озгандай юриш-туришлари, ниҳоят, қандайдир фожиага дуч келиб, бедарак йўқолиши тасодифий ҳол эмас...

Шодиқул Ҳамроевнинг «Қора кун» қиссаси бир қанча таҳликали, ғаройиб сирли тасвирлари билан диққат-эътиборингизни тортиб туради. Бундай хусусият асарнинг бошидаёқ сезилади: «гўё оламдан узилиб қолгандай чекка ва олисда жойлашган», «ҳаёт тарзи ҳам илк қарашда худди ибтидоийдек нохуш таассурот уйғотадиган қишлоқ». Воқеалар рўй берадиган жой шу тарзда таърифланиб, тавсифланяпти. Бу таърифу тавсифлар янада ойдинлаштирилиб, шундай давом эттирилади: «ўша жойга келадиган мусибату кўргиликлар ҳамма вақтмас, балки кўпинча кун оғир, уфқ қонталаш тус олган пайтда, яъни шомда бамисоли ўғри мушукдек соя ташлаб ўтади, дейилади, пировардида уфқнинг қонталаш тусини олишию ўғри мушукнинг соясига қиёсланганини кўз ўнгимизда ғаройиб манзарани ҳосил қилади. Сўнгра муаллиф бу манзарани янада ривожлантириш учун кичкина қишлоқдаги яккаю ягона тобутнинг йўқолиш воқеасига диққатимизни жалб этади. Воқеанинг мазмуни, кўламини кенгайтириб, унга яна шундай ҳодисаларнинг табиий равишда уланиб кетишини таъминлайди: «... аста-секин оғиздан оғизга ўтиб, шишиб ваҳимага тўлган ва кутилмаганда момақалдироқ каби гумбурлаб садо берган нохуш хабар ҳамманинг эсхонасини чиқариб юборди: нима эмиш, масжид айвонидаги қишлоқнинг яккаю ягона тобутини кимдир ўғирлаб кетганмиш! Қишлоқ энди тобутсиз қолганмиш!..».

Сиртдан қараганда рўй берган ҳодисалар ўртасидаги муштараклик кўзга яққол ташланиб турмайди. Жувозкашнинг жувоздан мой чиқариб, кўп фойда олиш учун уни пахта ёғига аралаштириб пуллаши, туну кун мол боқишга маҳкум этилиб, ўз тоғаси томонидан иффатига чанг солинган жинни қиз қисмати, пировардида, тобутнинг йўқолишига бевосита алоқадор дея оласизми? Ёки ҳар гал қишлоққа қўшиқ айтиб кириб келиб, унга байрам тусини берган сартарошнинг эшаги беҳосдан бошланган қаҳратон совуқдан ўлиб қолганичи?..

Қиссани чуқур идрок этган ўқувчи бундай воқеалар кўзга кўринмас «ип»лар билан моҳирона боғланганини сезиши муқаррар. Бу «ип»ларнинг мантиғи — гуноҳ, айб, жиноят хиёнатдир. Асарга Пушкиннинг «Кўнгил жаннатни истайди-ю аммо бўйнимда гуноҳларим кўп-да...», деган сўзлари эпиграф қилиб олингани-ю уларнинг қисса воқеаларига табиий равишда сингдирилиб, бир шахс тақдирига уланиб кетгани табиийдир: «Оқсоқол тобут ҳақида ўйлаган сайин дарду дунёси баттар қоронғи тортиб, ўзини худди бошадоғи йўқ кўчага кириб қолиб, қандай чиқиб кетишини билмай овораю сарсон бўлиб юрган кимсадек ожиз ва ночор ҳис этар эди».

Хўш, қишлоқ раҳбарининг йўқолган тобутдан бошқа ғам-ташвиши йўқми? Нега фолбин хотин тобутнинг ўз-ўзидан ғойиб бўлиши кулфат олиб келади, деб бонг уриши-ю биринчилардан бўлиб ўзи беҳосдан ёлғиз ўғлидан ажралиб, боши тошга урилгани тўғрисида лом-лим демайди? Сомсапазу жувозкаш каби ўнлаб, юзлаб ғирромларнинг аҳолини тунаб, нонларини туя қилаётганлари билан иши йўқ?..

Сўз санъати «тили»га яхши тушунган ўқувчи муаллифнинг ўша қишлоқ тимсолида ёзувчи айни собиқ совет давлатини кўзда тутаётганини ҳеч қандай изоҳларсиз англаб олиши асло қийин эмас. Ахир, қаламга олинган «қора кун»ни яратган — оғизда нуқул озодлик, халқпарварликни эътироф этиб, аслида коммунистик зўравонликни амалга оширган тоталитар тузум эканлигини шахсан ўзимиз бутун вужудимиз билан ҳис қилган эдик-ку!

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг каллани ишлатишга даъват этган қаҳрамони ҳам, Назар Эшонқулнинг хаёл тузоғига илиниб, фақат қўл-оёғимас, балки тилию дили боғланган Воқифи ҳам айни шундай таассурот туғдирганига иқрорман. Шу билан бирга бу асарларнинг танқидчилар ижобий баҳолаган Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили», Тоғай Муроднинг «Бобомдан қолган далалар», Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарларига нималари биландир оҳангдошлиги, яқинлигини инкор этишга асос йўқ. Аммо улар бамисоли эгизаклардай бир-бирларига ўхшайди, дейиш ноўрин. Негаки. ҳозир тилга олинган романлар кўпроқ анъанавий услубда ёзилган; гап шундаки, уларнинг муаллифлари, ижодкорлари ўзлари қаламга олган воқеалар, қаҳрамонларга ижобий ёки салбий муносабатда бўлаётганини аксари ҳолларда тўғридан-тўғри ошкор этиш йўлидан боради.

Эътироф этиш керакки, бундай усулнинг айрим унсурлари, белгиларини Шодиқул Ҳамроев, Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳамммад, Урол Содиқнинг юқорида тилга олинган асарларида учратиш мумкин. Бироқ, умуман олганда, уларда кимлар, нималарнинг улуғланаётгани, қораланаётгани кўпинча бевосита эмас, бавосита ифоданади: мажозий, кўчма маъноли тасвирлар, таърифу тавсифларга тез-тез мурожаат этилиб, уларнинг устиворлиги таъминланади. Энг муҳими, тасвирлардаги мажозлар, кўчма маъноли воситалар қаҳрамонларнинг бетакрор руҳий дунёсини ёритишга хизмат қилдирилган.

Шу жиҳатдан бундай асарлар жаҳон адабиётида аллақачонлароқ ўзига хос йўналиш сифатида эътироф этилиб, Кафка, Жойс, Камю, Пруст сингари адиблар номлари билан боғланган, аммо кўпмиллатли совет адабиётига, соц. реализмга ёт, деб қораланган адабий-бадиий тажрибалардан истеъдодли ўзбек қаламкашлари ҳам ижодий фойдаланаётганининг далилидир.

Йўқ, бу шунчаки оддий, жўн далиллар эмас. Улар инсон маънавий-руҳий дунёсини бедорлика чорловчи, курашчанлик туйғуларини олиб кирадиган, фақат қалбан ҳис қилиниб, ақлан идрок этиладиган ижодий фикрлаш меваларидир.

***

*«Баҳс» рукнида эълон қилиб борилаётган мақолаларнинг аксариятида «тоталитаризм» атамаси тез-тез эсланади. Бу атама кўпроқ собиқ совет даврига нисбатан қўлланади ва бу моҳият эътибори билан тўғри. Тоталитар давлат фақат собиқ шўролар қурган, ялпи усуллар билан сиёсат юргизган СССРга хос эмас эди. XX асрнинг ўрталаригача Европадаги бир неча мамлакатлар ҳам ана шундай тизимга асосланган оғир даврни бошдан кечирган. Тоталитаризм ўзининг барча мудҳиш оқибатларини, айниқса, фашистлар Германияси ва собиқ советлар иттифоқида намойиш этди. Сўз, фикр эркинлигига шафқатсиз тажовуз қилинган ушбу давлатларда адабиётнинг тақдири ночор аҳволга тушиб қолди.*

*Биз учун ана шундай оғир тарихий шароитни баҳолаган ғарблик адибларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам қимматлидир. Шуни ҳисобга олиб, бугун «Баҳс» рукнида атоқли инглиз адиби Жорж Оруэллнинг 1941 йили ёзилган «Адабиёт ва тоталитаризм» мақоласини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.*

*Ж. Оруэлл умр бўйи оддий меҳнаткаш омманинг ёруғ кунини кўриш умидида яшади, буни ижодининг моҳияти деб билди. Романларида «доҳийлар»ни аёвсиз савалади, 1934 йилдаёқ у Гитлер номини Сталин номи билан ёнма-ён қўйиб, империализм, фашизм ва иккиюзламачи либерализмни шафқатсиз фош қилди. Унинг аввалига умид билан «инқилобчи Шарқ»дан кутганлари оқибатда афсус-надоматларга айланди. Адибнинг ушбу мақоласи маълум маънода мунозарамизни тўлдиради, биз баҳс юритаётган айрим масалаларга жаҳон адабиётида кечган жараёнларнинг жузъий мисолида қарашга имкон беради, деган умиддамиз.*

*Жорж ОРУЭЛЛ*

# АДАБИЁТ ВА ТОТАЛИТАРИЗМ

БАҲС

Бизнинг замонни танқид замони, деб бўлмайди. Бу дахлдорлик даври, хилватга чекиниш даври эмас, шу боисдан, ичида айтилган фикр сизга маъқул бўлмаган китобнинг адабий фазилатлари тан олиниши шу қадар қийин бўлаётир. Сиёсат мисоли тўфондай адабиётга бостириб кирди, у адабиётни буткул эгаллаб олди, яхши шарт-шароитда бундай бўлмайди — шахсий ва умумий манфаатлар орасидаги тафовутни, гарчи бу ҳамма вақт кузатилган бўлса-да, кескин ҳис этаётганимиз боиси шундан. Бугунги танқидчи учун чинакамига холис бўлиш нақадар қийин эканлигини ўйлаб кўришнинг ўзи кифоя ва шунда яқин келажакда адабиётни айнан қандай хавф-хатарлар кутаётгани ойдинлашади.

Биз яшаётган вақт шахс мустақиллигини йўқ қилиш хавфи ёки аниқроғи, гўё шахс эркин деган хом-хаёллар билан боғланган. Ҳолбуки, адабиёт ҳақида, боз устига танқид тўғрисида тортишарканмиз, биз, ўйлаб ўтирмай шахс тўла-тўкис озод, деган хулосадан келиб чиқамиз. Ҳозирги замон бутун Европа адабиёти — сўнгги тўрт асрда яратилган адабиёт — ростгўйлик принципларига асосланади ёки истасангиз, шекспирона: «Ўз табиатингга содиқ қол», деган ҳикматга таянади. Санъат асари ҳақида айтиладиган энг хунук гап — у сохта, деган гапдир. Бу бевосита адабиётдан кўра кўпроқ танқидга доирки, ундаги баландпарвозлик, оҳанжама, ҳаттоки тилёғламалик, агар фақат ёзувчи энг асосий нарсада ёлғонни ёзмаган бўлса, у қадар афсуслантирмайди. Замонавий адабиёт ўзининг мавжудлиги боис шахсларнинг ижодидир. У ё шахснинг фикр ва туйғуларини ҳаққоний ифодалайди ёки ҳеч нарсага арзимайди.

Юқорида айтганимдай, булар ўз-ўзидан аён нарсалар, бироқ буни тан олганинг ҳамоно адабиёт устида қандай хавф-хатар осилиб турганини англайсан. Ахир, биз тоталитар давлатлар даврида яшаяпмиз. Улар шахсга ҳеч қандай эркинлик бермайди, аниқроғи, бера олишга қодир эмас. Тоталитаризмни эслатиб, дарҳол Германияни, Россияни, Италияни ёдга оламан, бироқ, назаримда, бу ҳодиса умумбашарий ҳодисага айланишига ҳамиша тайёр турмоқ керак. Афтидан, эркин капитализм замони охирлаётир ва гоҳ у мамлакатда, гоҳ бу мамлакатда у марказлашган иқтисод билан ўрин алмашаётирки, буни социализм ёки давлат капитализми деб таърифлаш мумкин. Демак, шахснинг иқтисодий эрки ҳам йўқолиб бораётир, яъни унинг ўзи хоҳлагандек иш тутиши, касбни эркин танлаши, ер курраси бўйлаб хоҳлаган томонга бемалол ҳаракат қилиши ҳуқуқи барбод бўлаётир. Яқин вақтларгача биз бундай ўзгаришларнинг оқибатини олдиндан кўра билмаган эдик. Ҳеч ким иқтисодий эркинликнинг барбод бўлиши интеллектуал эркинликка салбий таъсир қилишини чуқурроқ тушуниб етмаган эди. Социализмни одатда аллақандай либерал, юксак ахлоққа йўғрилган тузум, деб тасаввур этишар эди. Давлат сизнинг иқтисодий фаровонлигингиз тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олади, қашшоқликка тушиб қолиш хавфидан, ишсизликдан ва ҳоказолардан озод этади, бироқ сизнинг хусусий интеллектуал ҳаётингизга аралашишга ҳеч қандай зарурат сезмайди. Санъат худди либерал капитализм давридагидек гуллаб-яшнайди ва ҳатто ундан-да, ортиқ бўлади, чунки санъаткор иқтисодий муҳтожлик нималигини билмайди...

Тажрибалар бизни бу тасаввурларимиз тумандек тарқаб кетишини тан олишга мажбур этаётир. Тоталитаризм фикр эркинлигига шунақа ҳамла қилдики, буни ҳеч қачон хаёлга келтира олмасдик. Тан олиш керакки, унинг фикрни назорат қилиши фақат таъқиқлаш мақсадларини эмас, балки керакли режаларни ҳам назарда тутади. У нафақат айрим фикрларни ифодалашга қаршилик қилади, балки нималар ҳақида ўйлаш лозимлигини уқтириб туради; шахс қабул қилиши лозим бўлган мафкура яратилади, унинг ҳис-туйғуларини бошқаришга тиришади ва ахлоқ намунасини белгилаб беради. Мафкура шахсни, иложи борича, сунъий муҳитга солиш, таққослаш имконидан маҳрум этиш учун ташқи оламдан ажратиб, ўраб ташлайди. Тоталитар давлат, албатта, ўз фуқароларининг фикр ва туйғуларини, худди уларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилгандек, назорат остига олишга уринади.

Биз учун муҳими, ана шундай муҳитда адабиёт яшай оладими, деган муаммодир. Назаримда, жавоб лўнда ва аниқ бўлиши лозим: йўқ! Агар тоталитаризм умумбашарий ҳодисага айланса, узлуксиз давом этса, биз билган адабиёт яшашдан тўхтайди. Ва бу ўринда гўё муайян турдаги, Уйғониш давридан сўнг Европада яратилган адабиёт тугайди, деб (гарчи аввал-бошида бу тўғридай туюлса-да), таъкидлаш ноўрин.

Тоталитаризм билан ўтмишнинг барча, европача ҳамда шарқона изчил тизимлари ўртасида бир неча туб фарқлар бор. Улардан муҳими шуки, бу тизимлар ўзгармади, ўзгарган тақдирда ҳам секинлик билан ўзгарди. Ўрта аср Европасида черков нимага эътиқод қилиш лозимлигини уқтирди, бироқ инсон туғилганидан токи ўлимигача айнан бир эътиқодни тутишига изн берди. У бугун бир нарсага, эртага бошқа бир нарсага ишонишни талаб этгани йўқ. Бугун ҳам ҳар қандай изчил садоқатли черковнинг: насроний, буддавий ва ҳоказонинг мухлиси учун бу айнан бурунгидай. Муайян маънода бундай мухлиснинг фикр доираси чекланган бўлиб, у умр бўйи шу чекланганлик ичида қолади. Унинг туйғуларига биров дахл қилмайди.

Тоталитаризм эса тамоман тескари мақсадни кўзлайди. Тоталитар давлатнинг ўзига хослиги шундаки, у фикрни назорат қилатуриб, муҳокамага рухсат берилмайдиган, бироқ кун сайин ўзгартириладиган догмаларни олдинга суради. Догмалар фуқароларнинг мутлақ бўйсунишлари учун зарур, аммо улар ҳукмдорларнинг сиёсатлари талабидан келиб чиқилган ўзгартиришларсиз бўлмайди. Ўзини нуқсонсиз, деб эътироф этган тоталитар давлат айни пайтда объектив ҳақиқат тушунчасидан юз ўгиради. Мана, яққол ва жуда оддий мисол: 1939 йил сентябргача ҳар бир немисга рус болшевизмидан нафратланиш ва даҳшатга тушиш ҳисси сингдирилган бўлса, 1939 йил сентябрдан сўнг — завқланиш ва ҳамдардлик туйғуси юкланди. Агар Россия билан Германия ўртасида уруш бошланса, бунинг яқин орада рўй бериш эҳтимоли бор, тағин кескин бурилиш қилинишига шак-шубҳа йўқ. Немиснинг ҳис-ҳаяжони, унинг муҳаббати, нафрати зарурат туғилганда дарҳол тескари тарафга йўналиши лозим. Бунинг адабиёт учун зиёнини таъкидлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ахир, ижод бу энг аввало туйғу, туйғуни эса абадий назорат қилиш мумкин эмас. Айни дақиқа учун берилган кўрсатмаларни тушуниш осон, лекин қандайдир қадр-қимматга эга бўлган адабиёт, ёзувчи ёзаётган нарсаси ҳаққонийлигини ҳис этган шароитдагина, мавжуд бўлади; агар бунга имкон бўлмаса, ижодий инстинкт йўқолади. Тўпланган барча тажрибалар кўрсатадики, тоталитаризм ўз тарафдорларидан талаб этувчи кескин эҳтиросли ўзгартиришлар психологик жиҳатдан амалга ошириб бўлмайдиган ишларки, аввало ана шу сабабдан, менимча, биз билган адабиётнинг, агар дунёнинг ҳамма жойида тоталитаризм ўрнатилгудек бўлса, куни битади. Тоталитаризм устун келган жойларда ҳозирча шундай бўлди. Италияда адабиётнинг пачаваси чиқди, Германияда эса йўқ ҳисоби. Натсисларнинг асосий адабий машғулоти китобларни ёқишдан иборат. Ҳатто Россияда ҳам бир пайтлар биз кутганимиздек, адабиётнинг уйғониши амалга ошмади, таниқли рус ёзувчилари ўз жонларига қасд қилишмоқда, турмаларда изсиз йўқолмоқдалар — бу тамойил очиқ-равшан кўзга ташланди.

Мен либерал капитализм муқаррар равишда ўзининг қазосига етиб бораётир, дедим, бундан эҳтимол, менинг назаримда, фикр эркинлиги ҳам ҳалокатта маҳкумдир, деган хулосага келиш мумкин. Бироқ мен бу ҳақиқатдан ҳам шундай деб ўйлайман ва сўзимнинг якунида либералча тафаккур илдизлари асосан мустаҳкам бўлган жойларда — милитарист бўлмаган давлатларда, Ғарбий Европада, Шимолий ва Жанубий Америкада, Ҳиндистонда, Хитойда — адабиёт бардош беришга қодир эканига ишончимни айтмоқчиман. Мен ишонаманки — майлига бу кўр-кўрона ишонч бўлақолсин — бундай давлатлар ҳам иқтисодий умумлашишларга ўтиб, тоталитар бўлмаган шаклдаги давлат тизимини қура олади, шахсга, иқтисодий эркинликнинг йўқолиши билан, фикр эркинлигини беради. Хуллас, қандай олиб қарама, бу адабиёт тақдирига қайғурадиганларнинг ёлғиз умиди. Унинг аҳамиятини тушунган ҳар бир инсон, инсоният тарихида адабиётнинг етакчи аҳамиятини аниқ кўра биладиган ҳар қандай одам тоталитаризмга қарши, уни бизга ташқаридан тиқиштиришадими ёки ичкаридан тақашадими, курашиши ҳаётий зарурат эканини англаши шарт.

1941 йил.

**А. ОТАБОЙ таржимаси**

***

ТАҚРИЗ

# «АЙНИ ҲАҚИҚАТДУР МАЖОЗ»




Атойи ғазалиёти мактаб дарсликларида деярли ўрганилмайди, олий ўқув юртлари дастурида унинг ижодига оз вақт ажратилган, шоир хусусида тадқиқотлар жуда кам. Борлари ҳам Атойи ижоди эмас, балки тахаллуси атрофида қўзғалган баҳслар муносабати билан ёзилган. Филология фанлари номзоди Сайфиддин Рафиддиновнинг «Мажоз ва ҳақиқат» рисоласи («Фан», 1995) адабиётшуносликдаги ана шу бўшлиқни тўлдиришга қаратилган. Муаллиф Атойи ҳақида бир бутун тадқиқот яратишга уринган: шоирнинг ҳаёти, ижоди, тахаллуси масаласи, девонининг ўрганилишидан шеъриятининг мавзу кўламию образлар олами, бадиий санъатларни қўллашдаги маҳоратигача — барча-барчасини қамраб олган.

Китоб уч қисмдан иборат. Биринчи бобда Атойининг ҳаёти ва ижодий мероси ўрганилади, девони тасниф қилинади, тахаллуси атрофидаги баҳсларга ойдинлик киритилади, шоирга бағишлаб яратилган барча тадқиқотлар умумлаштирилади. Олим Атойининг насл-насаби машҳур шайхлар — Исмоил ота, Иброҳим ота, Аҳмад Яссавийга бориб тақалишини қадим манбалар асосида ишонарли тарзда кўрсатиб берган.

Атойи ғазалларининг мавзу кўлами тадқиқига бағишланган иккинчи бобда шоир шеърияти асосан диний-тасаввуфий жиҳатдан ўрганилади. Зеро, Навоий таъбири билан айтганда, Атойи ҳам «мажоз тариқи била ҳақиқат асрори»ни куйлаган шоирлар сирасидан. Айрича эҳтирос, кўтаринки завқ билан ёзилган бу қисмда муаллифнинг кенг билимга эга эканлиги, диний тасаввуфий манбаларни яхши билиши, мумтоз адабиётни нозик тушуниши, зукко шеършунослиги намоён бўлган. Айниқса, Қуръон оятлари, ҳадислар, турли диний-тасаввуфий тушунча ва атамалар, афсонаю ривоятлар, пайғамбар меърожи анча чуқур таҳлил қилинган.

Тадқиқотда Атойи ижоди замондош шоирлар — Камол Хўжандий, Саккокий, Лутфий, Гадойи, Ҳофиз Хоразмий шеърлари билан қиёсан таҳлил қилинади. Ўрни-ўрни билан тасаввуфий шеъриятининг пирларидан — лисон ул-ғайб Ҳофиз Шерозий байтларига ҳам мурожаат этилади. Лекин, негадир, Аҳмад Яссавий бирор-бир ерда тилга олинмайди. Ҳолбуки, бунга икки асос мавжуд: биринчидан, Атойи Яссавий авлодларидан ҳисобланса, иккинчидан, Ғ. Ғуломнинг ёзишича, Атойи «асарларига шоир Аҳмад Яссавийнинг тил томонидан кучли таъсири бор». Бу фикр рисолада Ғ. Ғуломнинг Атойи ижодига берган баҳоси сифатидагина келтирилади, холос. Аслида, мазкур фикр тадқиқотда етарлича асосланмай қолган Атойи ижодига хос халқчиллик — «туркона»ликни очиш учун калит вазифасини ўташи лозим эди.

С. Рафиддинов шоир ғазалиётининг мажозий томони бирмунча ёритилганлигини таъкидлайди-да, диний-тасаввуфий талқинга асосий эътиборни қаратганини айтади. Аслида, Атойи шеъриятининг бадииятини ўрганишга бағишланган рисола оддийгина қилиб «Атойининг поэтик маҳорати» деб номланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Модомики, суфиёна адабиётнинг бош масаласи ҳисобланмиш **мажоз ва ҳақиқат** тадқиқот марказига қўйилган экан, ўз-ўзидан, унинг бир қаноти—мажоз, иккинчиси эса—ҳақиқат бўлиши, унда олим мажоз ва ҳақиқатни бир бутунликда олиб текшириши, такрордан чўчимай, ўзи айтмоқчи, соф мажозий руҳда талқин қилинган аввалги шеърларни янгича нуқтаи назардан баҳолаши лозим эди.

Ойдинлик киритилиши лозим бўлган яна бир масала: тасаввуф фақат ҲАҚИҚИЙ ИШҚ тараннумидан иборатми? Бу адабиётда мажозий ишқ куйланмайдими? Бизнингча, тасаввуфда мажозий ишқ билан ҳақиқий ишқ ёнма-ён қўйилиб, бир-бирига қиёс қилинади, улар орасидаги тафовут ва зиддиятлар кўрсатилади ва ҳақиқий ишқ улуғланади. Бошқача айтганда, тасаввуф — мажозий ишқнинг юксалиб ҳақиқий ишққа айланиш жараёнини акс эттиради. Мажозий ишқ ҳам, ҳақиқий ишқ ҳам тасаввуфий адабиётнинг масаласи. Навоий айтмоқчи, «ўзликдан қутулиб, ўзликни топиш» айни шу мажозий ишқ жараёнида юз беради. Шунинг учун ҳам жисм нафсдан, ўз навбатида, руҳ жисмдан қутулганда маълум бўладики, «айни ҳақиқатдур мажоз» (Навоий).

Хўш, Атойи «мажоз тариқи била ҳақиқат асрори»ни қандай тарзда куйлаган ва қайси даражага эришган? Унинг бу борада бошқа шоирлардан ажралиб турадиган хусусияти — ўзига хослиги нимада? Масала худди шу тарзда қўйилиши керак эди. Ҳолбуки, муаллиф Атойи қаламига мансуб: «Баъзи ғазалларда мажозий ишқ, баъзиларида соф илоҳий ишқ, айрим ғазалларда мажозий ва ҳақиқий ишқ қоришиб, омухта тасвирланган», дея шоир ижодини қайта тасниф қилишга киришади, ғазалларини мажозий ва ҳақиқийга ажратишга уринади. Аслида у мажозий деб тақдим этган намуналарни ҳам тасаввуфийдан ажратиб олиб ўрганиш мумкин эмас. Масалан:

**Азалдин то абад жон андалиби**
**Жамолининг гулшанининг**
**булбулидур** —

байтини қандай қилиб мажозий дейиш мумкин? Ахир, унда «азалдан ошиқлик» ҳақида гап кетаяпти. Маълум бўладики, ҳақиқат билан мажоз ўртасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди.

Мазкур тадқиқот мисолида эски атойишунослик билан янги атойишунослик ўзаро тўқнаш келиши керак эди. Китобда эса улар аралашиб кетган. Чунки, олим бир ўринда ўз даъвосини исботлаш учун Шайхзоданинг қуйидаги фикрини келтиради: «Навоийнинг лирик қаҳрамони биринчи навбатда оташин ва мундарижали ошиқдир. Шоир ишқнинг азалий ва абадий қудратини билади, ишқ мавзуининг «бунёди олам»дан эътиборан лирикага бош мавзу бўлиб келганини эътироф этади». Бу ерда Шайхзода ўша «азалдан ошиқлик» тушунчасини замона зайли туфайли ишқнинг азалий ва абадийлиги, «оламнинг ишқ боис яратилганлиги»ни эса ишқ мавзуининг дунё яратилгандан буён шеъриятнинг бош мавзуи бўлиб келганлиги билан изоҳлаган. Бу хулосалар С. Рафиддинов илгари сурган янгича қарашларга мос эмас, аксинча, улар билан қайсидир жиҳатдан зиддиятта киришади. А. Афзаҳзод, О. Носиров ва бошқа олимлардан келтирилган кўчирмалар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ҳар ҳолда, эски мафкурадаги фикрлар янги нуқтаи назардаги тадқиқотни чуқурлаштиришга хизмат қилмайди.



Атойининг поэтик образ яратиш ва бадиий санъатлар қўллашдаги маҳоратини тадқиқ этишга бағишланган учинчи бобда шоир ғазалларида гавдалантирилган Юсуф сиймоси алоҳида образ сифатида олиб ўрганилади. Чунки Атойи ўзбек шоирлари ичида Юсуф алайҳиссалом қиссасига энг кўп мурожаат қилган, яъни ўз ғазалларида «моҳи Канъон»ни, у билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни энг кўп тилга олган ғазалнавислардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам муаллиф бу масалага кенг тўхталади: Юсуф билан боғлиқ тушунчалар, оятлар, ривоятлар, тимсоллар, сўз ўйинлари батафсил таҳлил қилинади. Бу — китобнинг катта қизиқиш билан ўқиладиган ўринлари.

Бизда мумтоз адабиётни тасаввуф билан боғлаб таҳлил этиш бошланди. Лекин ўтмиш меросимизни диний жиҳатдан ўрганиш, шарҳлашга ҳали қўл урилмаган эди. Бу ишга биринчи бўлиб С. Рафиддинов қўл урди. У араб тилини, диний манбаларни яхши билади. Бизнинг тасаввуф бўйича асарлар эълон қилаётган олимларимизнинг кўпчилигида айнан шу нарса етишмайди. Ҳолбуки, мумтоз адабиётимиз намуналарига бир вақтнинг ўзида ҳам диний, ҳам тасаввуфий жиҳатдан ёндошиш лозим.

Китобда Атойининг туркий шеъриятда тутган ўрни аниқ белгилаб берилмаган. Бу масалага бор-йўғи бир-бир ярим бет жой ажратилганлиги натижасида умумий гаплар билан чекланишга тўғри келган. Китобда чуқурлаштирса бўладиган, лекин йўл-йўлакай айтиб кетилган бу каби масалалар анчагина.

С. Рафиддиновнинг ўтмиш сўз санъатимизда энг кўп учрайдиган суфиёна истилоҳ ва тимсоллар, диний тушунчалар, иборалар, оят ҳамда ҳадислар чуқур таҳлил қилинган «Мажоз ва ҳақиқат» рисоласи бизни фақат Атойи ижодхонасига эмас, балки адабиёт отлиғ катта оламга олиб киради, буюк сўз усталари асарлари мағзини чақишимизга ёрдам беради. Китобнинг аҳамияти айни шу нарса билан белгиланади.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

